

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Қисқаларда

ТОШКЕНТ кимё-технология институтида талабалару ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир...

вакиллари иштирок этишти. ХАМЗА туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳаллага Германиядан ён...

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси еттинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Бағрикенглик тинчлик сари етаклайди

Тошкентда Осиё-Тинч океани минтақасидаги «Бағрикенглик тармоғи»нинг иккинчи анжумани бошланди.

Анжуман ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон Республикасининг мазкур халқаро ташкилот ишлари бўйича Миллий комиссияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда. Ташкилотнинг мақсади минтақавий тармоқнинг аҳамиятини юксалтириш масалалари кўрилади.



«VISO» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган пойабал маҳсулотлари ўзининг харидорлиги билан ажралиб туради. Бу жамоа аъзоларининг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари махсулоти.

Халқаро жамиятга аъзо

Бундан 70 йил муқаддам бу кафедра асос солинган эди. Тошкент Давлат иқтисодий университетининг тўнғич кафедраси ҳисобланган бу «Олий математика ва статистика» ўқув ва тадқиқот маркази негизидан кейинчалик олий ўқув юртининг «Статистика», «Хисоблаш техникаси», «Эхтимоллар назарияси» кафедралари ажралиб чиқди.

Қайтарилган бойликлар

Ўзбекистон Давлат санъат музейида 1991-2001 йиллар давомида Давлат божхона қўмитаси томонидан берилган (тортиқ қилинган) нобъ санъат асарларининг кўргазмаси давом этмоқда.

Ушбу маънавият маскани ўз фаолияти давомида жуда кўп маънавий ва маърифий ишларни амалга ошира бориб музей залларини нобъ ва дурдона асарлар билан бойитиб келмоқда.

Муҳим тадқиқот

Фосфогипс чиқиндисидан санъат ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш халқ хўжалиги аҳамиятига молик муҳим масалалар. Шу сабабли ушбу муаммо устида республикамиздаги қатор кимё санъати корхонаси ҳамда илмий марказлар яқиндан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти олимларининг бу бордаги изланишлари айниқса самарали бўлмоқда. Кимёгар олимларнинг Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бириктирилган мухтаassisлари билан ҳамкорлигида олиб бораётган тадқиқотлари ҳам яхши натижа бермоқда.

«Спартак» балети саҳнада

Бир вақтлар хореография санъати соҳасида катта шов-шувларга сабаб бўлган «Спартак» балети Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри саҳнасида намойиш этилмоқда.

Балет либреттосининг муаллифи ҳамда сахналаштирувчи балетмейстер Ўзбекистон халқ артисти Иброҳим Юсуповдир. Спартак бошичилигидаги кўлар кўзголини ва ўша даврдаги бошқа воқеалар асосида Н.Волков балет либреттосини яратган. А.Хачатурян эса балетнинг мусикасини меъёрига етказиб ёзган. Балет Москва Катта театрида ва бошқа етакчи театрларда сахналаштирилган. Бу ўз даврининг санъат соҳасидаги энг катта муваффақиятлар қаторида тан олинади. Олтинчи йилларда «Спартак» балети бир қатор энг йирик театрларда, концерт залларида намойиш этилиб, кенг шухрат қозонди.

«Оқшом» — доимий ҳамроҳингиз, дилкаш суҳбатдошингиз

Бундан ҳам шундай, қадрли «Оқшом» муштарийлари. Шу кунларда ўзингиз севиб ўқийдиган «Тошкент оқшом» газетасига 2002 йил учун обуна давом этмоқда. Бинобарин, у сизг ҳар доим ҳам энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлиб келган.

Мамлакатимизда

- Эртага Тошкентда ўз ишини бошлайдиган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг яқунловчи йиғилиши бўлиб ўтди.
Бугун марказий газеталарда иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг еттинчи сессияси очилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Фарруҳа Муҳитдинованинг «Парламент мамлакат тараққийотининг энг босқичида» сарлавҳаси остидаги мақоласи чоп этилди.
Мамлакат парламентида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.
Бухоро Давлат университетидеда Конституцияни ўрганиш маркази ташкил этилди.
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг навбатдаги хайъат мажлиси ўтказилди.
Халқ таълими вазирлигида 2001 йил олий ўқув юртурлариға кириш тест синови натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
Анджон вилоятининг Марҳамат шаҳрида оналар ва болалар йили доирасида ҳашар йўли билан болалар боғи бунёд этилди.
Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида янги иқтисод коллежи ва савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш коллежи фойдаланишга топширилди.
Фарғона шаҳрида «Кимёгар» спорт саройида «Соғлом авлод учун» жамғармаси кубоғи учун қизлар ўртасида бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича 1-республика мусобақаси якунланди.
Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Таълим маркази корей тили курсларининг битирувчилари тошкентлик Андрей Югай, Абдор Абдурахмонов ва Александр Ким саралаш «Корей тили билан» танловида гўлиб чиқибди ва ўқини Сеулда давом эттириш имконига эга бўлишди.
Анджон вилоятининг Пахтаобод туманида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастури бажарилиши доирасида шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш бўлими очилди.
Навоийнинг баскетбол бўйича «Ника» жамоаси Ўзбекистон Кубоғининг эгаси бўлди.

Жаҳонда

- Бугун Россия Федерациясининг Федерация Кенгашида ваколатларини ўзидан соҳит қилган Егор Строев ўрнига парламент юқори палатасининг янги спикерини сайлаш бўйича овоз бериш бўлиб ўтди. Федерация Кенгаши раиси лавозимига Сергей Миронов номзоди таклиф этилган.
Бугун Арманистон парламент делегацияси Москвага келди. Делегация Россия Федерацияси билан Арманистоннинг Россия Федерациясидан қарзига оид муаммоларни муҳокама қилади.
Кеча Москвада кейинги уч йил мобайнида биринчи марта Россия — Украина ҳукуматларо комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Россия ва Украина Бош вазирлари М. Касьянов ва А. Кинах унинг якунларини ижобий баҳоладилар.
Кеча Свердловскда янги авлодга мансуб «Гепард» сувоити атом кemasи суғва тўзилди.
Тожикистонда 70 нафарга яқин америкалик ва италиялик ҳарбий хизматчилар келди. Улар бу ерда турган француз ҳарбийлари билан биргаликда Афғонистондаги аксилтерор тадбирларига Қулб аэродромини тайёрлаш ишлари билан шуғулланишди.
Боннда Афғонистон масалаларига бағишланган халқаро конференция давом этмоқда. Ҳозирги пайтда муваққат маъмуриятдаги лавозимларни тақсимида юзасидан музокаралар бўлиб ўтмоқда. Муваққат кенгаш таркиби 29 киши кириши керак. Бирок бу таркибга 150 кишининг номзоди кўрсатилган.
Афғонистоннинг ўзида эса Шимолий Иттифок қўшинлари Америка авиациясининг қўллаб-қувватлаши билан Қандаҳорга ҳужум қилишни давом эттирмоқда. Бундан ташқари толиблар ва «Ал-Қаида» жангарилари ҳамда Шимолий Иттифок бўлинмалари ўртасида мамлакат шарқида тоғли ҳудудда жанглар давом этмоқда. Таҳмин қилинишича, ана шу горларга Усама бин Лодин яширинган бўлиши керак.
АҚШнинг Афғонистон ҳудудидеда террорчиларга қарши курашаётган ҳарбийлар сони икки мингга яқин. Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд шуни маълум қилди. Унинг айтишича, «Ал-Қаида» жангарилари ва толибларнинг бутунлай яқсон қилиш учун АҚШ қўшинлари бор имкониятини ишга солади.
Покистонда «Афғонистонни тиклашга тайёргарлик кўриш» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Уч кун давом этган бу тадбир БМТ Тараққийот дастури, Жаҳон банки ва Осиё тараққийот банки томонидан ташкил этилди. Турли давлатлардан келган уч юздан зиёд иштирокчи асосан Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият борасида фикр алмашди.
Бугун Берлинда Афғонистонга гуманитар ва иқтисодий ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштириш бўйича халқаро конференция очилди. Брюсселда эса Афғонистон аёлларининг конференцияси бўлиб ўтмоқда. Ушбу конференцияда сўзга чиққан БМТнинг қочқочлар иши бўйича Олий комиссари М. Робинсон «Афғонистондаги воқеалар афғон аёлларининг аҳволига ҳаммининг эътибор қаратишига ёрдам берди, энди ана шу имкониятдан фойдаланиб, улар эркаклар билан ўз ҳуқуқларини тенг бўлишини талаб қилишлари керак», деб таъкидлади.
Яқин Шарқдаги вазият уруш чегарасига бориб қолди. 26 кишининг ҳаётига зомин бўлган ва 200 дан зиёд кишининг жароҳатланишига сабаб бўлган Қуддус ва Хайфадаги қатор террорчилик ҳаракатлариға жавобан Исроил Фазо минтақаси ва Йордан дарёсининг Фарбий соҳили бўйлаб ракета-бомба зарбалари берди ва Рамаллоҳ ва Наблус шаҳарлариға ўз танкларини киритди. Ёсир Арофатга қарашли бўлган вертолёт йўқ қилиб ташланди. Бундан ташқари исроилликлар Даластин муҳториятининг раҳбари фойдаланадиган Фазо минтақасидаги халқаро аэропорти ҳам яна ёпиб қўйди.
Бугун Шри Ланкада парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Сайловларнинг боришини 15 минг кузатуви, шу жумладан халқаро кузатувчилар кузатиб турибди. Мамлакатда кучайтирилган хавфсизлик чоралари кўрилди. 40 мингдан зиёд полициячи ва ҳарбий хизматчи сайлов участкаларини муҳофаза қилмоқда. Чунки сайловди кампаниясига тараддуф кетаётган икки ой мобайнидаги тўқнашувлар пайтида 45 киши ҳалок бўлди.
Бугун АҚШга Грецияда ёқилган Олимпия машъаласи келтирилди. Биринчи машъалани Американинг Атланта шаҳрида бокс бўйича жаҳоннинг собиқ чемпиони, афсонавий Мухаммад Али ёққан эди.
Вьетнамда ўтказилган дэюдо бўйича Осиё чемпионати беллашувларида қатнашган Ўзбекистонлик А. Бозоров, У. Қурбанов ва Б. Очиловлар битта умуми ва иккита бронза медали соҳиб бўлидилар.

Конституциямиз қонун олдида ҳамнинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишда, бурч ва масъулиятларини бажаришда бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилиши керак.

Ислом КАРИМОВ



8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

БАХТ КИТОБИ,  
ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ



Давлатимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституциямиз 1992 йил 8 декабрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб қабул қилинди.

Конституциямиз 6 та бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат бўлиб, унинг ҳар бир моддасида умуминсоний қадриятларга содиқлик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада ҳимояланганлиги акс эттирилган бўлиб, Конституция муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган. Конституциянинг бир синчилаб ўқиб чиқилганлиги ўнда ҳамки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсондир деган фалсафий фикрдан келиб чиқилганлиги аққол кўриниб туради.

Президентимиз 1992 йилдаги «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» номли китобида Конституцияга қисқача таъриф бериб: «...Бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «Фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги узро муносабатини оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилади», — деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизда Конституция асосида қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва меъёрий ҳужжат аввало шу Она заминдаги инсонлар манфаатини ҳимоя қилишга ва уларга хизмат қилишга қаратилганлиги бежиз эмас. Сабаби қабул қилинаётган ҳар бир қонунни ўрганганда энг аввало халқимизнинг манфаати, инсон қадри-қиммати энг олий қадрият даражасида намоён бўлганлигининг ғувоҳи бўласиз.

Шу сабабли ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-маъ-

ий ҳавфи катта бўлмаган, яъни қасддан содир этилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятларни ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятларни содир этган воқеа етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилмаслиги белгиланган бўлиб, аёлларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тарихисидан таинланадиган жазонинг энг кўп муддати содир этган жиноий ҳаракати учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан ўч қисмидан ортиқмаслиги лозимлиги белгиланган.

Янги таҳрирда қабул қилинган Қонуни-мизда ўлим жазосини қўллаш ҳам кескин камайtirилди, яъни илгари 8 та жиноят учун ўлим жазоси қўлланиладиган бўлса янги Қонун бўйича тўртта жиноят таркиби учун ўлим жазоси белгиланадиган бўлди. Ўлим жазоси агрессия, геноцид, терроризм ҳамда оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам улдириш жиноятларини содир этганлик учун қўлланиладиган бўлди. Жиноят-процессуал кодексига ҳам либераллаштирилиш натижасида сезиларли ижобий ўзгаришлар киритилди.

Илгари тергов муддати 2 йил муддатга-ча узайтирилиши мумкин бўлса, янги Қонунда бир йилгача қилиб белгиланди. Туман (шаҳар) ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлардан тергов муддатларини узайтириш ҳуқуқлари қонундан чиқариб ташланди. Илгари ҳибсда сақлаш муддатини бир

НАЗМ

## Ҳар юракда мавж урар...

Ҳар юракда мавж урар  
Она-Ватан туйғуси!  
Шунда ошар Инсоннинг  
Элу юрда обрўси.

Қилар сарак ва сарак  
Давр тош-торозуси.

Ҳаётимиз мезони —  
Давлатимиз Қомуси!  
Бунда энг олий ҳакам,  
Ҳар кимнинг ор-номуси!

Дилда қат-қат орзулар  
Мисли қуёш ёғдуси,  
Таралар жисмаро,  
Кўз-кўз қилар инжусин!

Бурчига садоқати,  
Ваъдасига вафоси!  
Она-Ватан, халқига,  
Дил қўшиги, нидоси!

Одамнинг ким, нелигин  
Кўрсатар дил кўзгуси,

Ўзбекистон Қомуси —  
Шаҳодатлар аълоси!  
Унда топмиш ҳуқуқин  
Юртинг ҳар  
фуқароси!

Бор бўлсин, тенг  
барчага  
Ўзбекистон Қомуси!  
Ёр бўлсин дилимизга  
Она-Ватан туйғуси!  
Искандар РАҲМОН

Э В П И Р О Ф

Рене АЙЗЕЛЬСТАЙН,  
«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон»  
компаниясининг бош директори:

— Мамлакатимизда фаолият юритаётганлигимиз боис Ўзбекистон Қонуналари ва Асосий Қонун бўлмиш Ўзбекистон Конституцияси билан яқиндан танишимиз. Ўзбекистон Конституцияси жазон тараққийнинг барча талабларига жавоб берадиган тарзда тузилган ва мен ўйлаётганимиз мамлакатимизда кечаётган туб ислохотлар жараёнининг жадал боришида ҳам мазкур Асосий Қонуннинг нуносиби ўрни бор. Фурсатдан фойдаланиб Ўзбек халқини Конституция кунини умумхалқ байрами билан компаниямиз номи-дан қизғин кутлайман.

## КОНСТИТУЦИЯМИЗДА КАФОЛАТЛАНГАН:




• Ҳар бир шахс билим олиш...



• Меҳнат қилиш...



• Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга...



• Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

## Инсон манфаатлари йўлида

муни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида шу йилнинг 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Шунга биноан Конституциянинг ғоявий, фалсафий, ҳуқуқий, мафкуравий, маърифий, тарбиявий салоҳиятини, мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар онгига сингдириш мақсадида бир қатор тадбирлар белгиланган бўлиб, амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига кўра Олий Мажлисда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган Республика Президентининг шахсан ташаббуси билан ишлаб чиқибли, қабул қилинган 2001 йил 29 августдаги «Жинойят жазоларининг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи бўлиб қолди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бир қаторда юқоридаги фикримизнинг аққол далили сифатида инсон манфаати ва қадри-қиммати борасида қабул қилинган ушбу Қонун жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди десак муболага бўлмайди.

Аваллари 1959 йилда қабул қилинган собиқ иттифок давридаги жиноят қонунлари билан ишлардик, мустақил давлат бўлганимиздан сўнг 1994 йилда янги жиноят қонунлари қабул қилинган бўлиб, мустақиллик эвазига вужудга келган янги шароитлар, халқимизнинг одоб-ахлоқ мезонлари ва миллий аъёнларига асосланган эди.

Лекин барча қонунлар ҳам давр талабига кўра халқнинг турмуш шароитига мувофиқ тарзда ривожланиб, ўзгариб бориши табиийдир.

Демократик бурилиш ва давлат тизимининг тақомиллашиб, ривожланиб бориши билан халқнинг онги, маънавий, мафкуравий савияси ўсиб бориши билан улар томонидан ҳаёт мубайнида содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликларни тартибга солувчи жиноят қонунлари ҳам ўзгариб боради.

«Жиноят, жиноят-процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Қонунларга киритилган янги ўзгариш ва қўшимчалар ҳам давлатимиздаги жиноят қонунчилиги тизимидаги ўзгаришлардан ҳисобланади.

Жиноят Қонунига киритилган янги ўзгаришлар натижасида кодексдаги 87 жиноят таркиби бўйича санкция миқдори энгиллаштирилди, 26 тасидан қамқоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари чиқариб ташланди ва бу билан ўз навбатида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларнинг сони ортди. Илгари ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар сони 86 та бўлса энди уларнинг сони 196 та етди.

Бунинг натижасида тергов органлари томонидан дастлабки тергов мубайнида эҳтиёт чорасини ўзгаририш, яъни ҳибсга олиш кескин камайди, судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазима ёки ахлоқ тузатиш иши каби жазо турларини кенг қўллашга имкон вужудга келди ва бу эса ўз навбатида фуқароларимизни арзиманган кам аҳамиятли жиноий ҳаракатлари учун ҳибсда сақланишларига жамиятдан мутлоқ ажралиб, инсонийлик қиёфасини йўқотишгача бўлган ахволга тушишини олдини олиш билан бирга давлат органлари ва тизимидаги бўлган ишончини ва ҳурматини орттиришга олиб келиши табиий ҳол албатта.

Киритилган ўзгаришлар натижасида 187 та жиноят таркиби бўйича жазима санкцияларини қўллаш ҳуқуқини яратди.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида воқеа етмаганларга ижтимоий

ярим йилгача узайтириш мумкин бўлган бўлса, энди бир йилгача қилиб белгиланди.

Бундан ташқари жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизга умуман янгилик бўлган ярашув институтининг киритилиши яна бир муҳим янгилик бўлиб, тергов ва суд органлари фаолиятига туб ўзгариш киритди.

Томонларнинг ярашув тўғрисидаги жиноят ишларини амалга жорий этишдан мақсад фуқароларнинг ҳаёти мубайнида учраб турадиган оддийгина, баъзи ҳолларда ўта кам аҳамиятли қонунбузарликлар учун бир неча ойлаб тергов ва суд органларига қатнашларига, қачонлардир ярашиб, келишиб бир-бирини кечириб юборган эр-хотинлар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, яқин биродарлар ва фуқароларимизни сарсон-саргардон қилиб, мажбурлов усулларини қўллаб тергов ва суд органларига олиб келиб, уларга тегишли жазо чораларини қўллаш йўли билан халқни давлат органларига, суд-ҳуқуқ ҳокимиятига, қонунга бўлган ишончини йўқотиш ва охири оқибатда давлат тизимининг обрўсига путур етказиш каби иллатларга умуман барҳам берилди.

Бу ярашув йўли билан жиний ишларнинг туғатилиши институтининг амалиётга киритилиши билан биргина давлатимизнинг маънавий яна бир бор оширибгина қолмай, балки халқимизнинг суд-ҳуқуқ соҳасининг ҳодимларига бўлган ҳурмат-эътиборини яна бир бор оширди.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш борасида Жиноят кодексига янги 66-моддасида жиноятларнинг 28 таркиби бўйича иш юритишга оид янги бобнинг киритилиши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишларининг муайян тоифасини қонуний туғатиш имконини беради ва жиний жавобгарликдан озод қилади.

Бундай жиний ҳаракатлар тоифасига қасддан баданга ўртача оғир шарик етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шарик етказиш, тўхмат, ҳақорат қилиш, унча кўп бўлмаган миқдорда ўлаштириш ёки расстрата йўли билан талон-торож қилиш, йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ёки барча турдаги транспортдан фойдаланиш қондиларини бузиш ва бошқа жиноятлар кирди.

Суд ҳуқуқ ислохотидаги янги ярашув институтининг ишлаб чиқишида ва амалга киритилишида ўзимизнинг қадимий шарҳона аъёнларимиз ва халқимизнинг ўзбекона табиати ҳам инобатга олинганлиги бежиз эмас албатта.

Шу билан биргаликда Республикаимизнинг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўйрилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган мол-мулк қий-матининг юқори чегараси оширилди.

Бундан ташқари жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан савдо ёки хизмат кўрсатиш қондиларини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибининг миқдорда бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган эди.

Давлатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилиб, оид судловни юритишнинг замонавий, ҳақон андозаларига мос келадиган янги тизими яратилди.

Биз, маъмурий орган ҳодимлари халқимиз манфаати йўлида қабул қилиниб, амалга жорий этилаётган ушбу суд-ҳуқуқ тизимидаги ижобий янгилик, ўзгаришларни ҳаётга татбиқ қилишда сидқидилдан, ҳалол, масъулият билан меҳнат қилишимиз лозим. Бу билан биз қабул қилинаётган Қонунларимизни мустаҳкамлаб, давлатимиз судратининг юксалишига ва энг асосийси фуқароларимиз томонидан Қонунларга ҳурматнинг янада ошишига ўз хиссамизни қўшимиз лозим.

Акмал ИНАНБАБЕВ,  
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

## Фарзандлар онгига сингдирилмоқда

Дилдора ОРИПОВА,  
45-ғилмията мактаб директори:

— «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади».

Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган юқоридаги қондилар эртამиз ворислари бўлмиш ёшларнинг билим олишларини ҳар томонлама кафолатлайди. Ҳозирда Асосий Қонунимизни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тушуниб олишлари йўлида, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган режали ишлар олиб боришмоқда.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар орасида «Энг яхши мадҳия ижроси учун» ва деворни газеталар танловлари, очиқ тарбиявий соатлар, «Савол-жавоб» викториналари, «Сен қонунни биласанми?» шиори остида синфларо ра танловлар, Ўзбекистон байроғи қабул қилинган кунга ва Асосий Қонунимиз яратилганлигининг 9 йиллигига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилмоқда. 1-синфларда эса Алифбе байрами «Конституция алифбеси»га боғланган ҳолда ўтказилади. Конституция фани ҳам алоҳида фан сифатида режа бўйича ўқитилапти. Биз ўқитувчи-мураббийларнинг ниятимиз, мақсадимиз бита: мамлакатимиз Конституцияси ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган кафолатлардан фойдаланиб, Ватанимиз истиқлоли туфайли ўз тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратиш имконияти вужудга келганини ҳис этиб — Ватан тараққийоти, юрт тинчлиги, мамлакат келажаги учун билимли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш.

Дилдора САИДБЕКОВА,  
342-«Кўнғирочқа» богча-ясли мудири:

— Ҳозирги даврда мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш энг асосий вазифаларимиздан биридир.

Богчамизда 150 дан ортиқ фарзандларимиз тарбияланмоқда. Уларга ўз касбининг фидойиси, болажон, олий маълумотли тарбиячилар меҳр билан тарбия бермоқдалар. Жажи фарзандларимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек Конституцияни билиш ва тушуниш, ўз миллий байроғимиз, гербимиз, мадҳиямиз, бошимиз узра тинчлик элчиси мисоли турган Хумо қўшимиз ҳақида уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тушунчалар бермоқда. Кейинги пайтларда «Конституция бизга нима бериди?» мавзуйда расмлар танлови, Хумо қўзи тасвирланган театрлаштирилган томошаларни ташкил этдик. Болаларларимизни буюк аждодларимиз Абу Али ибн Сино, Беруний, Улугбекларнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништирмоқдамиз. Тарбиячиларнинг Конституциямиз ҳақидаги билимларини янада бойитиш мақсадида ўқув семинарлари ташкил этилмоқда.

Мақсадимиз эртამиз давомчилари бўлмиш фарзандларимизни билимли, юқори салоҳиятли, Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаган, юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган инсонлар бўлиб воқеа етказишдир.

«Юртбошимиз айтганларидек «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!».

Шоира МУХАМЕДОВА ёзиб олди.

## Асосий Қонунимизга бағишланди

Шайхонтоҳур туманидаги 299-ўрта мактабда бўлиб ўтган «Қомусимиз-бахтимиз» деб номланган тадбирда Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ва Республикаимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши

ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши асосида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди. Юқори синф ўқувчилари Конституциямиз ҳақидаги тушунча ва билимларини, кичик синф ўқувчилари эса давлат байроғи, герби, мадҳияси ҳақида фахр билан сўзлаб, Асосий Қонунимиз

ҳақидаги шеърларни ёддан ўқидилар. Тадбирда «Энг намунали ва билимли ўқувчи» номига сазовор бўлганлар мактаб маъмурияти томонидан эсдалик совғалари ва «Конституциявий ҳуқуқ асослари» китоби билан тақдирландилар. Шоҳида МАХМУДОВА

## Мулкдор эканимдан фахрланаман

Раҳима КАРИМОВА,  
«Галанд-сервис» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори ўринбосари:

— Асосий Қонунимизнинг IX боб 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» эканлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамланган. Юртбошимиз «Ўзини мулкдор, мулк ҳўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг эҳтиямини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-гайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қилади», — дея таъкидлаб мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланишига кенг йўл очдилар.

Биз ҳам Мустақиллик ва Конституциямиз берган имкониятлардан фойдаланган ҳолда яқинда «Галанд-сервис» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этдик. Аҳоли талаб ва истакларини ўрганиш натижасида асосан болалар кийимларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Маҳсулотларимиз сифатли ва арзон бўлганлиги сабабли уларга бўлган талаб қундан қунга ортиб бормоқда.

Хусусан, кунига 360 дон болалар кийимларини ишлаб чиқарсак-да унга 1000 га яқин буюртма тушмоқда. Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириб, маҳсулот турларини кўпайтириш ниятимиз бор. Замонавий асбоб-анжомларни ўрнатган ҳолда катталар ва болалар курткаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

# ТАДБИРКОР

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг саҳифаси

**Бугунги кунда шахримизда тадбиркорларга энг яқин мададкор бўлаётган, уларнинг қизиқларини химоя қилаётган, муаммоларини ечишда ҳар томонлама ёрдам бераётган, бир сўз билан айтганда тадбиркорлар ишончини қозонаётган ташкилотлардан бири Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва уларнинг туманлардаги бўлимлари саналади. Мухбиримизнинг Хамза тумани Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шухрат ХУСАНОВ билан суҳбат аналга ошириляётган ишлар хусусида бўлди.**

— Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бир неча йиллардан бундан фаолият кўрсатмоқда. Палата бугунги кунга келиб кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ишончини қозона олаётми?

— Бунга албатта ижобий жавоб бериш мумкин. Биргина ўзимизнинг тумани мисол келтирадиган бўлса, кейинги пайтда палата аъзоларининг сони ортиб бораётганлиги унга бўлган ишончининг ёқин кўринишидир. Бугунги кунга келиб туманимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг 2521 таси палатамизга аъзо бўлишган.

тоби» бўйича ушбу текширишларнинг қонуний ўтганлигини аниқлаш мақсадида, ҳар бир мониторинг қилинган корхоналарнинг қайд этилган текширишлар нусхаси адлия бошқармасига топширилган ва ани кунларда улар томонидан назорат қилинмоқда.

— Албатта, тадбиркор фақат маслаҳатга эмас, балки аниқ молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам муҳтож. Бу борада, яъни кредит ажратилиши ва уни ўзлаштириш масаласида уларга қандай ёрдам кўрсатишмоқда?

— Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида палатамиз туман банклари билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнес корхона-

— Мақсадимиз нафақат пойтахтда, балки Ўзбекистонда ўз махсулотларимизнинг сифати, рақобатбардорлиги билан биринчи бўлиб, — дейди шахримизда фаолият кўрсатиб ўзининг қўллаб ҳаридорларига эга бўлган «INSOF-RI» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг директори Ирина Саъдуллаева.

## «Постформинг» — хонадонларга

Корхона ўз фаолиятини 1995 йилда масъулияти чекланган жамияти сифатида бошлаган бўлса, хорижий ҳамкорлар билан муштахкам алоқа ўз самарасини бериб, 1997 йилдан бошлаб жамоа қўшма корхона ташкил этишга ва «Эванс» фирмасининг постформинг дастгоҳида стол қопқоқлари, ойна ромларининг остки қисмини ишлаб чиқаришни йўлга

ишчиларининг сони икки баравар ошиб, малакаси ҳам ортиб бормоқда. Бунга тайёрланаётган махсулотлар тури, сифати ҳамда ҳажми гувоҳлик бериб турибди. Ўтган йили корхонада 70 миллион сўмлик сифатли махсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 120 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариш-



қўйди. Бунинг учун россиялик ҳамда италиялик шериклар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилди. Россиядан келтириляётган прессланган тахта ва Италиядан олиб келинаётган пластиклар корхонада тайёрланаётган махсулотлар учун асосий хом ашё саналади.

— Аввалига махсулотларимиз турлари саноклигини бўлса, — дейди Ирина Владимировна, — бугунги келгич энг замонавий дастгоҳ асосида бюртомачи талабидан келиб чиқиб 24 нафар ишчи-хизматчи барча турдаги мебель қисмларини, мухташам иморатлар учун ҳам махсулотлар тайёрляпмиш. Пойтахтимизда мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган Ўзбек миллий драма театри биносининг ички безатиш ишларини ҳам муваффақиятли бажардик. Шунингдек, шахримиздаги барча қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлик қиламиз. «12-трест» ҳиссадорлик жамияти, «Тошкент-Центер» корхонаси асосий бюртомачиларимиздан саналади.

Бугунга келиб корхона

га муваффақ бўлинди. Харидорлар дидига яраша, талабларини ўрганган ҳолда махсулот турларини кўпайтиришда корхона дизайнери Алексей Вислобововнинг, шу билан бир қаторда Американинг «Эванс» фирмаси дастгоҳларини моҳирлик билан бошқариб республикада экспортроп ва импорт ўрнини босувчи махсулот тайёрлашга ҳисса қўшаётган Дониёр Турсунов, Тоҳир Аширов, Михаил Полянскыйларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шуниси қувонарлики, тадбиркорлар ўз махсулотларининг бир қисмини Россия Федерациясига ҳам экспорт қилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизнинг Самарқанд, Фарғона вилоятларида доимий харидорлари бор. «Тим», «Люкс», «Кашлюкс», «Жанхонгир» ва бошқа қурилиш материаллари дўконларида корхона махсулотларининг ўз харидорлари бор.

Албатта, меҳнатига яраша деганларидек, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар ҳам кўнгилдагидек. Дам олиш хонаси учун хизматда, йўл тушлик берилади, бепул киралири корхона ҳисобидан тўланади. Буларнинг барчаси меҳнат унумдорлиги орттишининг асосий омилларидандир.

Корхона аҳли «Сифатли махсулотларимиз ҳар бир хонадонга қилиб борсин, бундай гузаллик ва бежиримликдан одамларнинг дили яйрасин» деган мақсадда меҳнат қилмоқда.

Дилфуза ГОФУРОВА СУРАТЛАДА: корхона цехларида; махсулотлар намуналари. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## ТУМАН ПАЛАТАСИДА

# Ҳар доим ёрдамга тайёр

Жорий йилнинг ўтган ойларида 206 та ўрта ва кичик бизнес корхоналари, 663 та хусусий тадбиркор палатамизга аъзо бўлганлигининг ўзи ҳам бизга бўлган ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатади. Чунки палатамизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир мутахассис ҳар бир корхона, хусусий тадбиркор билан аввало яхши таниш, уларнинг нима билан машғуллигини, қандай махсулот ишлаб чиқараётганлигини мукамал билади. Бу эса керак бўлиб қолганда уларга ёрдам, муаммолар тузилганда маслаҳатлар беришда қўл келмоқда. Палатамизга ташриф буюрган ҳар бир тадбиркор ўзини қизиқтирган саволларига жавоб ва керакли маслаҳатлар олади. Ўтган ойлари мобайнида палатамизга мурожаат қилган 603 та тадбиркор қоникарли жавоб олганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мисолларга мурожаат этидиган бўлса, маҳаллий хом ашёдан унумли фойдаланиб, уни ишлаб чиқаришга жалб этиб, сифатли махсулотлар ишлаб чиқаришда палатамиз тадбиркорларининг энг яқин мададкоридир. Ҳозирги кунда 20 тадан ортиқ тадбиркорлар билан биргаликда ишланмоқда. Ана шулардан «Нариния» хусусий фирмаси, «Триано», «Груман» масъулияти чекланган жамиятларига металл топишда Тошкент шаҳар ҳокимияти орқали, «Эркинлик», «СВ Фортуна», «Асалот» хусусий фирма ва «Аҳад Махмуд» масъулияти чекланган жамиятини қурилиш материаллари билан таъминлашда республика палатасининг «Мароканд» системаси орқали ёрдам бердик. Ушбу корхоналар ўз фаолиятларини муваффақиятли давом эттиришяпти.

— Палата аъзоларининг ҳуқуқий билликлари оширишда, уларга қулай иш шароитлари яратишда қандай ишлар бажарилмоқда?

— Тадбиркорларимизга қулай иш шароитлари яратишда ва уларни жой билан таъминлашга эътибор қаратиб, туманимизда жойлашган корхона ва фирмалардан сўронома орқали бую ишлаб чиқариш майдонлари ва оғирлар учун мўлжалланган жойлар борлигини аниқладик. Бу жойлар 77 минг 245 квадрат метрни ташкил этади. Ҳозирги кунда тадбиркорларга бу жойлар тақдир қилинмоқда. Шуниси қувонарлики, туман аҳолисини иш билан таъминлашда меҳнат бўлимлари билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда. Бугунга келиб 3171 нафар киши ўрта ва кичик бизнес корхоналарида иш ўринларида эга бўлдилар.

Туман ҳокимлиги ва палатамиз томонидан ўтказилаётган семинарлар ҳам тадбиркорликнинг ривожига маълум ҳиссасини қўшмоқда. Шу кунгача ўтказилган 14 та семинарда шаҳар адлия, бошқона, солиқ бошқармалари, туман солиқ инспекцияси, туман прокуратураси вакиллари иштирок этишиб, тадбиркорларнинг саволларига жавоб беришда ҳамда ҳуқуқимиз томонидан тадбиркорликка оид чиқариляётган ҳар бир ҳужжатлар ҳақида тушунтиришлар берилмоқда.

Шаҳар адлия бошқармаси билан ҳамкорликда 183 та корхона мониторинг қилинди. Бунда «Текширишларни рўйхатга олиш ки-

лари учун микро ва қисқа, узоқ муддатли кредитларни беришда яқиндан ёрдам бериш. Ушбу корхоналар ишлари ривожлантириш, сифатли махсулот ишлаб чиқариб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ҳисса қўшишларини таъминлаш мақсадида 7 та узоқ муддатли ва 13 та микрокредитлар тадбиркорларга олиб берилди. Булар орасида муваффақиятли иш олиб боришга интиляётган «Фурқат», «Дегрез-рушас», «Тўйчи обод» хусусий фирмалари, «Лочирамак» масъулияти чекланган жамияти бор. Шунингдек, «Анат» кичик корхонаси кредит олиб арафасида, «ЗИП» кичик корхонасининг кредит масаласи устида иш олиб борилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, туманимизда фаолият кўрсатиб, маҳаллий хом ашёдан рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқараётган «Грифон ВР», «Тиниал», «Присижан» хусусий фирмалари, «Стракон строй бизнес», «Мухандис-сервис», «Саткин», «Дачис» масъулияти чекланган жамиятлари тадбиркорлари изланиб, янгилик яратиб, қулай имкониятлардан оқилона фойдаланиб меҳнат қилишмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 август ҳамда 10 сентябрдаги қарорлари бўйича режаланган вазифалар қандай амалга ошириляпти?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишда палатамиз қўшида очилган «Ахборот-маслаҳат маркази» ходимлари тадбиркорларга рўйхатдан ўтиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам бермоқда, тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Шу билан биргаликда юмалоқ муҳр ва тамга яшас дастгоҳларини олиб келиб ишга тушириш арафасида турибмиз. Бу ҳам ўз навбатида тадбиркорларимизга яратилган қулайликлардан бири бўлади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини маблағ билан таъминлаш, уларга бошқона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш, уни тадбиркорларга тушунтириш бўйича ҳам амалий ишларни бошлаб юбордик. Бу қарорнинг ижроси, албатта, бошловчи тадбиркорларимиз учун энг катта имконият бўлса, уларнинг шу маблағ ҳисобига ривож топиши юртимиз фаровонлиги гарови бўлади. Албатта, муаммоларимиз ҳам етарли, лекин уни бартараф этиш йўллари ни топишга интиляпмиш. Чунки ўрта ва кичик бизнеснинг, хусусий тадбиркорликнинг ривожини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодиёти раванглигини устувор йўналишларидан биридир. Шу боис ҳам биз ҳар доим тадбиркорнинг энг ишончли ҳамкори, мададкори бўлишни асосий вазифамиз деб биламиз.

Шарифа ИЛЁСОВА суҳбатлашди.

## Сўранг, жавоб берамиз

«Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган ва у қандай моддаларни ўз ичига олади? Нодир ОЛИМОВ, Унида КЎЗИВЕВА.

Чилонзор тумани

«Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун 1991 йил 16 февралда қабул қилинган бўлиб, 1993 йил 2 июлда ўзгартиришлар киритилган. Ушбу Қонунда умумий қоидалар, тадбиркорликнинг иқтисодий манбалари, шакллари, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва бурчлари кўзда тутилди.

Қонун кириш қисми ва унга моддадан иборатдир. Тадбиркорнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги моҳияти ва аҳамияти кириш қисмида берилган. Тадбиркорлик, тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар, тадбиркорликнинг умумий қоидалари, тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик шакллари, тадбиркорлик ташкилотли (ширкатли) ва унинг фаолияти асослари, тадбиркорнинг ҳуқуқлари, тадбиркорнинг мажбуриятлари, тадбиркорнинг масъулияти, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг қафолатлари — булар Қонуннинг моддаларидир. Ушбу Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиши, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий қафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган.

Пойтахтимизда «Рамин Набизода» қўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ, лекин ўтган 3-4 ой мобайнида жамоа ахлининг ишлаб чиқараётган лаззатли махсулотлари харидорларга манзур бўлди.

«Мацца» деб номланган турли хилдаги печенье ва кексларни нафақат болалар, балки катталар ҳам севиб тановул қилишмоқда. Қандолатчилик махсулотларининг сифатли ва рақобатбардор турларини республикамиз ахлига етказиб бераётган ушбу қўшма корхона пойтахтимизнинг Хамза туманидаги 2,5 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ва жамоанинг иш бошлаган натижасида 200 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди. Ушбу корхона республикамизда «Камол Набизода» компанияси томонидан очилган иккинчи корхона бўлиб, биринчиси Термизда муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Учунчисини эса Самарқанд шаҳрида ишга тушириш кўзда тутилган.

— Фабрикамида ишчилар учун барча шароитлар яратилган бўлиб, замонавий линиялар ёрдамида 25 хил печенье ва 7 турдаги кекс махсулот-

берилади. Шу боис ҳам улар савдо шохобчаларида барча харидорларга бирдай манзур бўлмоқда, нархи ҳам қоникарли даражада.

## «Мацца» лаззати

лари ишлаб чиқарилмоқда, — дейди компания президенти Камол Набизода. — Асосий вазифамиз нафақат Ўзбекистон ички бозорини сифатли ва мазабли махсулотлар билан таъминлаш, балки келгусида махсулотларимизни четта экспорт қилишни ҳам режаланганим. Шунини алоҳида таъкидлашим керакики, бизнинг махсулотларимиз энг юқори талабларга тўла жавоб

берилади. Бунинг кунда корхонанинг барча цехларида иш қизгин. Жамоа қандолатчилари тадбиркорлик билан иш юритиб, харидорнинг сифатли махсулотга бўлган талабтини қондирмоқдалар. Лаззатли ва чиройли қадоқланган махсулотлар пешмапеш пойтахтимиздаги савдо дўконлари орқали харидорларга етказиб берилмоқда. Дилноза ГИЁСОВА

## Туйғуллар

Азалдан табиатнинг бекор турт фасли бор. Фасллар бу табиатнинг сирли, сеҳрли мўъжизасидир. Булар доим кетма-кет алмашиб ҳар бири ўзига хос ажойиб ҳислатлари билан бутун борлиқни ўзига қамраб олган.

## Бетакроп фасллар

Юлқиларди. Негадир менинг кўнглим ҳақ тўраб кетди. У ҳавода аста айланиб муаллақ учиб ёнимага келиб тушди. Аста уни қўлимга олдим. Қора булутлар ҳам худди шуни пайлаб тургандай қуёш юзини зумда тўсиб, қоммақабарга чакнаб, ёмғир ёға бошлади. Ёмғир таъмирчилари юзини ювар, зум ўтмай менинг кўнглим ҳам ёмғир бўлиб ётди.

— Халемай, баҳор келади, худди уша дараклар аста оппоқ гулларга бурқаниб гузаллигини бутун борлиққа бахш этади. Уларни қўриб кўнглимлар яйради.

Марҳамат МАТВАФОВА

## ТАДБИРЛАР

### Оқибатли одамлар

Шайхонтоқу туманидаги Олим Хўжаев номи маҳаллада ҳайрли тадбир ўтказилди. Унда маҳаллада истиқомат қилаётган ишончдорлардан 22 кишига моддий ёрдам кўрсатишди. Мавлага фуқаролари йилнинг раиси А. Наҳиддинов, «Камхар», «Усто» фирмаларининг вакиллари Х. Хамидов, Ш. Зиевалар ноғиронларнинг уйларига бориб кўнглини сўрашди. Шу ўринда улуғ олим ва мутафаккир Умар Хайёмнинг «Бир гариб кўнглини қилсанг шод, яхшидур ер юзин қилганда обод», деган сўзларини келтириш ўринлидир.

Акрим АКМАЛОВ, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг бош мутахассиси.

## Илмий-амалий анжуман

Бугунги кунда аср вабосига айланган тиббандликка қарши бутун дунё бўйича кураш олиб бормоқда.

Жумалдан, Аксарот туманида бўлиб ўтган «Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод гарови» деб номланган илмий-амалий анжуман ҳам мана шу мавзуга бағишланди.

Анжуманда иштирок этган Гивандликка қарши кураш ва жиянатчиликнинг олдини олиш бўйича Биришган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги муробидлаштирувчилик Микрохалқ Султононе гивандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, шаҳар наркологи диспансерининг шифокори Сергей Жамхамбетов «Гивандликка қарши профилактик тадбирлар» билан биргаликда ёш авлоднинг жинсий тарбияси, Тошкент шаҳар ИИББнинг тергов бўлими ўринлиги, милиция майори Дилмурод Нурмухамедов «Гивандлик моддаларининг сўзга чиқиб, бугунги кунда гивандлик инсоният бошига жулда катта фалокатларни соляётгани, унга қарши кураш ва унинг олдини олиш ҳар биримизнинг айтишимиз кераклиги таъкидлаб, бу борада амалга ошириляётган ишлар тўғрисида тўхтадилар.

Шониста МҲОДОВА

## ОБУНА — 2002

### Ижодий ҳамкорликка даъват

Маълумки, кейинги пайтларда матбуот нашрларига билимдон, янгиликка интилувчан қалам соҳибларини жалб этиш масаласига ҳам ишонч айтиш мумкин бўлмоқда. Бу борада «Оқшом» газеталари жамоаси ўзига хос изланишни йўлга қўймоқда.

Тахририят ходимлари 2002 йилга обуна кетаётган шу кезларда олий ўқув юртиларига бориб талабалар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказмоқдалар. Яқинда шундай учрашувлардан бири Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан «Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири Ақмал Ақромов тахририятда ижодий ходимлар учун яратилган муҳит, келаси йилга мўлжалланган иш режалари билан ўртоқлашди. Бўлгуси журналистлар билан талайгина маъзулар тўғрисида фикрлашиб, уларни ижодий ҳамкорликка чорлади, ёшлар ҳаёти ва фаолияти тўғрисида хикоя қилишни махсус рухналар очилганини билдирди. Учрашувда Ёш журналистларни турли соҳага иқтисодлаштириш масаласига ҳам тўхтаб ўтилди. Газетанинг иш жараёни юзасидан талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Энг муҳими, тахририят ҳозирда танлов ташкил этиб, энг интидорли бўлгуси журналистларни ўқидан бун пайтларда иш жараёнига жалб этиш, уларни моддий рағбатлантириш асосларини ишлаб чиқиш қаратилди.

Уйлашимки, бундай ибратли ишлар тахририятни иқтидорли журналистлар билан бойитади.

Сарвар САФАРОВ, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетининг III курс талабаси.

## Шарқ дурдоналари

# Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

- Меҳнат чинакам олийжанобликнинг ягона унвонидир.
- Меҳнат одамни юксакликка кўтарайди.
- Қўлидан келадиган ишга эмас, ўзи тушунайдиган ишга қўл урган киши бахтсиздир.
- Ҳеч қандай ишга дабдаба билан киришмаслик керак: тантанаворлик иш тугаганда ярашади.
- Истаган ҳамма ишни қўлолмаганимиздан кейин қўлингиздан келадиганини бажариш пайида бўлинг.

Хикоят: икки дўст ўтинчилик қилишарди. Улар доим бирга ўтин теришга боришар, ўтинни эшақка юклаб шаҳарга олиб келиб сотишарди. Улар шу тариқа ҳалол тирикчилик қилиб кун кечирардилар. Икки дўст қора кунлари учун бироз пул ҳам жамғариб қўйишди. Кунлардан кун ўз касбининг қадрига етмаган, фаросат ботида нўноқроқ иккинчи дўст биринчисига деди.

— Огайни, одамларга бир назар ташла, ҳаммаси қон койитмасдан ризқини топиб юрибди. Нега биз ўзимизни бунчалик қийнаيمиз. Кел, бундан кўра бошқа бирон осонроқ заҳматсиз иш билан шўгулланылик.

Ақли ва тажрибали огайни шундай деб жавоб берди:

— Тўғри айтсан, ҳамма одам ўз ризқини топиб юрибди. Лекин ҳар ким ўз касб-хунари билан машғул. Шунинг учун ҳаётимиз бир йўсинда, тартибли ўтаётди. Биз одамларга ўтин етказиб берамиз. Улар бизга нон тайёрлаб беришяпти. Мабодо, биз ўз касбимизни ташласак, бундан минг бад оғир кунларга гирифта бўламиз.

Жоҳил ўртоғи ўз донишманд огайинисининг бу хикматона гапларига қулоқ солмади. Эшагини сотиб, пул жамғармаларини олди-ю, касб-кор ахтариб бозорга йўл олди. Бироқ ҳеч қандай касб-кордан хабари бўлмагани учун тез кунларда бор пулларини сарф қилиб, ночор аҳволга тушиб қолди. Унинг ўртоғи эса аввалгидек ўз касб-корини қилар, ўтинларини сотиб, аста-секин пул тўпларди. У касб-хунари ўрганишга аҳд этиб узоқ тахсил қўрди, моҳир касиб бўлиб элга танилди.

Хисса: ҳеч бир инсон ўз касб-коридан шикоят қилмаслиги ва таҳсил кўрмай, бошқа касб соҳиб бўлишга интиласлиги зарур. Зеро, барча касб-хунарларда азиз, халқ эҳтиромига лойиқ инсонлар бор. Шунингдек, ҳар бир касб-хунардан манфур, одамлар нафратига дучор бўлган кимсалар ҳам бор. Билган хунарингни ташлаб, билмаган хунарга қўл уриш олдиндан оққан сувнинг қадрини билмай, қўлда сув ахтармоқ билан баробардир.

Байт: Иқтидоринг етмаган ишни қилма, Сабабсиз ўзининг донишманд билма.

• Фақат ўзини ўйлайдиган, ҳамма нарсдан ўзига манфаат излайдиган одам бахтли бўлолмайди.

• Ўзинг учун яшамокни истасанг, бошқалар учун яша.

• Бир бой одам донишмандлардан бирига: — Мен сизга энг сўм ҳадя қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — дейди.

Донишманд шундай жавоб берди: — Ҳадя қилсанг, ўзинг учун яхши. Ҳадя қилсанг, мен учун яхши. Чунки менга пул берганидан кейин ҳар кимга: «Фалон донишмандга энг сўм ҳадя қилганман» деб айтасан, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўлам.

Байт: Кутма дардинга даво пасткаш, курумсоқ кимсадан

Ким чиён иши билан олган, оёқлардан тикан.

• Олимлардан Мўхаммад ибн Аҳмад айтди: нодон киши кўнглига нима келса шуни ишлашга киришади. Ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди. Тахриба қилинмаган, синалмаган одамнинг сўзига ишониб иш олиб боради, ўзига ишонин кўп бўлади. Мақтаганини хуш кўради. Бир нарса тўғрисида сўрасалар шовишлиб жавоб беради. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади. Унга ва чапга қўл қарайди. Мутақаббир ва мағрур бўлади. Ножўя сўзларни сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади. Оғзидан ширин сўз чиқмайди. Айтилган сўзга тушунамайди. Қулса қаттиқ қулади, йиғласа қичқириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

Байт: Данога ёндошгил қоч нодондан сен, Ҳатто у хавфлидир доно душмандан.

• Буюкликка энг яқини ҳалолликдир.

• Агар одам ҳалолликдан юз ўгирса шу қадар бехисоб ярамас иллатларга берилиб кетадики, оқбат — натижада ҳаётнинг нопок йўлларида қиришга одатланиб қолади.

• Ҳалол

# Кўнгилдаги гаплар



Ҳаёт тасодифларга тўла. Ана шу тасодифлар туфайли дилинг тубида ётган гаплар тилингга чиқади, сирларингни ошкор этади. Зеро, бу дунёда ҳамisha қувонч шодликлар ила ташвишлар ҳам ёнма-ён юради. Ҳаётда мукамил инсон бўлмагани каби кундалик турмушимиз ҳам мукамил бўлмайди, баъзан кўнгилсиз воқеалар, камчилик ва нуқсонлар учраб туради. Бу ҳаётий ҳақиқатни тахририятимизга турли тоифага мансуб оқшомхонлардан келаятган хат-хабарлар мазмунидан ҳам билса бўлади. Ушбу мактублар мавзун рангбаранг бўлиши билан бирга уларнинг муаллифлари кўпроқ ўзларини тўлқинлантираётган воқеалар хусусида фикр-мулоҳаза билдиришга ҳаракат қилишади. Демак, кўнгилда айтилаётган гаплар кўп. Биз мана шу жиҳатларни назарда тутиб, шунингдек газетхонлардан келаятган хат-хабарларга эътиборни янада кучайтириш мақсадида бугундан эътиборан газетамиз саҳифасида «Кўнгилдаги гаплар» рукнини очишга азму қарор қилдик. Куйида сиз азиз муштарийларимиздан келган дастлабки мактублардаги шахсий фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этдик. Зора гап эгаларини топса, хулоса чиқарса.

## Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Тасаввур қилайлик. Бир кун уйимизга газ бўлмади қолди ёки электр тармоғида шундай ҳолат бўлиб қолди. Дил қоронғу, уй қоронғу. Хунобимиз ошганда ошди. Кимлардандир ўпқаланамиз, кимлардандир айб қўямиз. Лекин мана шу газ ва электр нури хонадонимизни мунтазам иситиб, ёритиб туриши биринчи навбатда ўзимизга боғлиқлигини ҳаёлимизга келтирмайди. Коммунал хўжаликнинг бу тармоғидаги узиллишларнинг босси унга тўланадиган ҳақларни ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаслигимизга бориб тақалишни унутиб қўямиз. Бу ҳақда истаганча мисоллар келтириш мумкин.

— Биз ўзимизни шикоят қилиб қолдик.  
— Биз яшаётган бу кўп қаватли уйга кўчиб келганимизга анча йиллар бўлди. Хоналарнинг оҳори тўкиди. Лекин шу вақтгача мутасаддилар уни қайта таъмирлаб беришни ўйлашмайди.

— Ким таъмирлаб беради? Ҳозир ўзимиз яшаб турган хонадоннинг ҳолатига ўзимиз жавоб беришимиз керак, — десак кўшим мендан ранжигандек бўлди.

Рост гап туққанига ёқмайди, деганлари шу-да. Ахир қачонгача ўзимиз бузиб ўзгалардан наҳот кутамиз. Нега энди биз истиқолат қилаётган хонадонни бошқа бировлар таъмирлаб бериши керак. Баъзиларимиз шу даражага бориб етдикки, (бу гап кўп қаватли уйларида яшовчиларга тааллуқли) йўлгимиз сугуриллаб қолса фаррошнинг йўқлигини шикоят қиламиз. Уйимиз рўпарасида ўзимиз пайло қилган ахлатхонани тозалаб беришни ўзгалардан кутамиз. Нега? Инсоф билан айтганда йўлгимизни тозалаш ўз вазифамизку!

Энг ёмони баъзан мана шу масъулиятимизни сезмаслик ҳисси ота-боболаримиздан қолган ҳашар деган энг яхши удушимиздан бизни анча узоқлаштириб қўйяпти. Ўтмишда ҳашар йўли билан не-не юмушлар бажарилганини бир эслайлик. Бу анъана кундалик ҳаётимиздан мустақкам ўрин олганида, ўртадаги сансалорликка бутунлай чек қўйилган бўлур эди.

Кўшдан бери бизда «Ўз уйингни ўзинг асра» деган шпор ҳукм суриб келади. Бу шпор кундалик фаолиятимизга айланаб қолгани учун унга бирмунча амал қилишга ўрганиб қолдик. Шундай экан, ўз уйимизнинг озода, тартибли бўлишига биринчи навбатда ўзимиз амал қилсак бу қоғда ҳам ҳаётимиз мезонига айланаб қолади.

Қосим ЭРМАТОВ,  
меҳнат фахрийси.

## Савдо ходимида хушмуомалалик ярашади

Хулудимизда жойлашган озиқ-овқат дўконига кириб рўзгор учун керакли маҳсулотларни харид қилдим. Сотувчи қиз ҳардамхаёлик билан харид қилинган озиқ-овқатларни гижимланган қоғозларга чала-чўпга ўраб қўлимга тутқазди. Уни тартибга чақириб балога қолдим.

— Ўрагманг, қонун-қоидаи ўзинг яхши билман. Сизлар кўпчилик, мен биттаман, — дея зарда билан нари кетди.

Унга гап уқтириб борака топмаслигини ҳис этиб индамасамда бироқ кайфиятим бузилди. Йўл-йўлакай қизим тенги келадиган сотувчининг бетга чопарлигидан ранжиб бордим.

Хизмат юзасидан чет элларда кўп бўлганман. Тараққий этган мамлакатларнинг қайси бир савдо нуқтасига кирманг сотувчилар сизни хушмуомалалик билан кутиб олишади. Иззат-икромни жойига қўйишади. Харид қилган буюмингизни бежирим қилиб ўраб «Раҳмат» дея қўлингизга тутқазишади.

Тўғри, бизнинг юртимизда ҳам савдо маданияти кун сайин яхшиланиб борапти. Лекин бу хизматда баъзида юқоридаги ҳолатлар ҳам содир бўлиб туришидан асло кўз юмиб бўлмайди. Аввало савдо хизмати озодагарчиликни, ўта маданиятликни талаб этади. Айтайлик, бирон дўконга кирдингиз, хизматчилар сизни хушмуомала, хушнудлик билан кутиб олиши. Албатта бу ширин илтифотлар кайфиятингизга озми кўпми даражада таъсир қилиб дилингизни ёриштиради, харидингиз ҳам унумли бўлади. Бунинг устига харид қилган маҳсулотларингизни чиройли халтачаларга солиб ёки ўраб беришса ишончим қомилки, сиз ўша манзилнинг доимий мижозига айланаб қоласиз. Бу хусусда гап борганда ҳозир шахримизда фаолият кўрсатаётган супермаркетларнинг иш тажрибасини намуна қилиб келтириш мумкин. Бироз бўрттирма бўлиб кўринса ҳам айтишим мумкинки, уларда тартиб-қоида, озодагарчилик, савдо маданияти энг тараққий этган чет эл дўконларидан қолшимайди. Ёки Сайилтоҳ кўчасидаги савдо ва оқватланиш нуқталарини олайлик. Ҳар қаламда қадди-қоматига мос кийининг дилбар қилар сизни ўта мулоимлик билан кутиб олишади. Ўзлари ишлаётган мажмуага бир пиёла чойга таклиф этишади. Шундай хушмуомалалик, сертакалуфликни кўра туриб беихтиёр хаёлингизга «Қани энди барча савдо нуқталарида ҳам мана шундай тартиб-интизом жорий этилса» деган фикр келади...

Карим ХАКБЕРДИЕВ,  
хизматчи.

## Ҳар биримиз масъулмиз

Маҳалламизда Кутбихон исми бир аёл ёлғиз боласи билан камтарона яшарди. Ёлғизлик, турмуш машаққатидан бўлса керак бечора она оғир дардга чалиниб оламдан ўтди. Маҳалла аҳли бош-қош бўлди. Дафн ва маросимлар-

ни баҳоли қудрат ўтказди. Кўни-қўшнилари марҳуманинг ёлғизини яққалашиб қўйишмади. Доимо унинг иссиқ-совуғидан, юриш-туришдан бохабар бўлишди. Бола барча қатори мактабда ўқиди. Уни битириб яхшилар ёрдамида ишга жойлашди. Биноийдек рўзгор тебратадиган бўлди.

Ёш ўсимлар ҳаёти билан боғлиқ бундай ижобий ва салбий жараёнларни кундалик турмушимиздан қўллаб келтириш мумкин. Истаёмизки, истамаймизки, бола тарбияси билан боғлиқ ҳар бир яхши-ёмон воқеа ҳодисаларнинг боши биз катталарга бориб тақалади. Мана шу масъуллик юки бу бурчимизни ҳар қаламда ҳис этишимиз унга виждонан ёндошимизни талаб этади. Нақадар аччиқ бўлмасин айтишга тўғри келади. Бу бурчни биз катталар ҳар доим ҳам бажаролмаймиз. Бунинг исботи баъзан учраб турадиган кўча-қўйда мақсадсиз дайдиб юрган болалар мисолида равшан кўриниб турибди. Ҳатто улар ўзларининг «Янаш тарзи» учун пул топиш мақсадида дайдиланишдан ҳам уялишмайпти. Ярим кечагача дискотекада, билярдонларда дайдиб юрган болалар бегона эмас. Бу салбий ҳолатларнинг ҳаммаси ёшларнинг буш вақтини мазмуни ташкил этишда фалокет етимаётганлигининг оқибати.

Яширишга ҳожаат йўқ. Баъзи бир ишқмас ичкилик бало-сига гирифтор бўлган катталар ҳам бу борада уларга ибрат кўрсатишяпти. Хўш, бугун кўчада сангир юрган болалардан келгусида нимани кутиш мумкин? Ёки ёш боши билан бозорма-бозор «Тижорат» қилиб юрган боланинг келажаги қандай яқун топади. Булар кишини чиндан ҳам ўйлантирадиган муаммолар.

Албатта бу гап кимлар учун майда, кимлар учун кераксиздек туюлар. Лекин ҳақиқатни англаган кишига у алақачон бутунги файзли ва барокатли кунимизнинг ориқиди нуқтасига айланиб бораётган ҳолат. Бунинг олдини олайлик.

Содик АҲМЕДОВ,  
ўқитувчи.

## Муқаддас қасам бузилмасин

Инсон — табиатнинг олий махсули. Бироқ, табиат яратган мўъжизалардан баҳра олмак учун инсон соелом, бақувват ҳамда зукко бўлмоғи керак. Иссиқ жон, баъзан лоқайлигимиз, эътиборсизлигимиз ёки ҳаётий тасодифлар туфайли бу чегара бузилди. Булар ичида энг ёмони ва туғилмагани тасодиф туфайли содир бўладиган фалокат. У фавқулодда юз бериб кишини гангитиб қўяди. Яқинда бизнинг оила-мизда ҳам шундай муҳдиш хол рўй берди. Қўзимизнинг оқу қороси Мадинахон қизимиз машина фалокатига учради.

Ноҳус хабардан эсимиз оғиб қолди. Сўнг аёлимиз билан олдинма-кетин касалхонага югурдик. Борганимизда қабулхонанинг жарроҳлик бўлимида қизимизга дастлабки биринчи ёрдам кўрсатилган эди. Нури дейдизамизнинг аҳоли анча яхшилигини ҳис этиб кўнглимиз бироз таскин топгандек бўлди. Шифокорларга миннатдорчилик билдиридик. Фалокат сабабчиси ҳайдовчи йигит ҳам шу ерда экан. У бизга кўрқасица яқинлашди. Кўз ёш тўкиб кечирим сўради. Албатта, у бечора ҳам атайлаб қилмаган бу ишни. Шундай бўлсада дилимиздаги ранг ва алам анча устун келиб зўр-базўр унга ён бердик.

Эртасига таскин топган кўнглимизга қайта гулув тушди. Беморнинг аҳоли кечаси оғирлашиб қолганини, уни зудлик билан операция қилиш лозимлигини айтишди.

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Лекин ҳаражати бор-да, — деди уни операция қилмоқчи бўлган жарроҳ.

Биз ўшанда гап тағидига ним қосани англаб етиш ҳолатида эмасдик, албатта. «Ҳаражат» деган сўзни доринларимиз учун кетадиган пул мазмунда тушуниб, розилик билдиридик. У бизга боқиб, қўли енгиллигини айтиб қизимизнинг тезла солла-соғ, оёққа туриб кетишига ишонч билдириди. Аёлимиз билан дардимизга малҳам бўлмоқчи бўлган жарроҳни дуо қила-қила унинг хонасидан чиқдик.

Операция муваффақиятли ўтди. Қизимизнинг аҳоли яхшилана борди...

Бизда яхшиликка яхшилик қайтариш удуми бор. Шундан келиб чиқиб жарроҳ йигитга олдиндан ўзига хос совғасалом тайёрлаб, уни қизимиз чиқадиган кунни топширадиган бўлдик.

Афсуски, кун ўтган сайин йигитнинг бизга бўлган муносабати негадир ўзгариб борди. Шундай кунлардан бирида ҳайдовчи йигит бизга тасалли бериб, «Қўзберинглар, у билан ўзим гаплашаман», дея унинг ҳузурига кириб кетди. Орадан бироз вақт ўтгач у эшикдан хурсанд бўлиб чиқди.

— Ҳаммаси яхши. Эртага Мадинахон уйга қайтаркан.

Эртасига жарроҳга аталган сарпо-суруқни кўтариб касалхонага бордик. Совғамизни у ийманибгина қабул қилди. Кейин билсак жарроҳ биздан наҳот бўлмагач ҳайдовчи йигитдан «совғанинг каттасини ундириб олган экан.

Аслида бу гап сирлигича қолиши керак эди. Лекин баъзи бир оқ халатта доғ тушириб, иш тутаятган, беморлардан ўз бурчига эна равишда қўли ҳақи талаб қилаётган шифокорлар ёлғиза яна бир бор диллом олаётган пайтидаги ичган қасамини эслатиб қўйиш мулоҳазаси қўлимизга қалам олдириди. Шунда ҳам андишага бориб касалхона манзили, жарроҳ йигитнинг исми, фамилиясини айтишни лозим кўрмадик.

Ҳасан КАБИРОВ,  
қувувчи.

Тахририятдан: Азиз оқшомхон! Ўйлаймизки, янги руҳи остидаги оқиқ мулоқотимиз дилингиздаги гапларни ва муаммоларни баён этишга ўзига хос имконият яратяди. Шундай экан, ўзингизни тўлқинлантираётган кўнгилдаги гапларингизни бизга ёзиб юборинг, кўнгирак килинг. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Тел.: 133-45-84.

Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига қандай риоя этилаётганини ҳақидаги мулоҳазаларимизни ушбу далиллардан бошламоқчимиз. Чунки бу далиллар бизларни мулоҳазага чорлайди. Шундай қилиб жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида шаҳримизда жами 2465 та йўл-транспорт ҳодисаси рўй бериб, улар натижасида 214 киши ҳаётдан кўз юмган, 2780 киши эса турли жароҳатлар олган. Уларнинг 70 фоизга яқини эса пиёдаларнинг айби билан рўй бермоқда.

# «ДИҚҚАТ, ПИЁДА!» ТАДБИРИДА

## ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛИРИ ВА ШАҲАР ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСЛИГИ ҚЎШМА ТЕКШИРУВИ

Шу ўрида фуқароларнинг ҳаётлари ва соғлиқларини сақлаш, улар ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини самарали ташкил этиш, ҳаракат иштирокчилари ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида жорий йил охирига қадар шахримиз ҳудудида «Диққат, пиёда!» тадбири ўтказишга қарор қилинганлиги таъкидламоқчимиз.

Биз шахримиз кўчаларида «Диққат, пиёда!» тадбири қанчалик самарали ўтаётгани, аҳоли, айнисика болалар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини қай тариха ташкил этилаётгани билан бевосита танишиш мақсадида шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси тарғибот бўлими ходимлари — бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Вячеслав Тутин, катта нозир, милиция подполковниги Шухрат Фуломов, катта лейтенант Ойбек Отабековлар билан қўшма тадбирга чиқдик.

Буюк Ипак йўли кўчаси чорраҳаси шахримиздаги энг қатнов тигиз йўналишлардан ҳисобланади.

— Гуруҳимиз Пушкун кўчасидан то Республика Мудофаа вазирлигигача қадар ҳудудда ҳаракат ва пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш юмушларини бажармоқда, — дейди Йўл-патруль хизмати сардори, милиция капитани Ахбор Маннопов. — Ходимларимиз фақат махсус тадбирлар чоғида эмас, балки доимо ўз постларида серғак. Бундан ташқари ходимларимиз мактаб, қорхона, ташкилотларга бириктирилиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда.

Йўл қоидасини бузган пиёдалардан шў жойининг ўзида жарима ундиришимиз ўз



мактабга йўл олдик. Зеро ушбу ўқув масканида маҳалла фаоллари, оқори синф ўқувчилари иштирокида «Пиёдалар, болалар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги» мавзюда кенгайтирилган йиғилиш ўтказилаётган экан. Унда маҳалла оқсоқоли Мирза Жўраев, шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари, мактаб ўқитувчилари йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига ва уларга риоя қилиш, шунингдек, «Диққат, пиёда!» тадбирининг мақсад-вазифалари, ижобий натижалари тўғрисида сўзлашди.

— Бозорага шоваётган эдим. Хали катта болаларимни бочадан олишга ҳам улғуришим керак, — дея ўзини оқлади қондабузарлардан бири Мунира Мақсудова. Ахир шундай инсонлар ўзлари ва ёш боласи билан бирор бир кор-хол рўй берса, бир умр ногирон бўлиб қолишлари, ҳатто ҳаётдан кўз юмушлари ҳам мумкинлигини наҳотки ўйламайдилар?

— «Диққат, пиёда!» тадбири давомида пиёдалар ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўнгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ва ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Меҳрибонлик уйлари ва интернетларда болалар билан боғлиқ ИТХнинг олдини олишга бағишланган тадбирлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бўлим ва бўлинмалари, ИТХ бригадаси ходимлари туманлар ИИБ профилактика ходимлари билан биргаликда мактаб ва боғчаларда маҳалла вакиллари жалб қилган ҳолда кўшимча тарғибот ва ташвиқот ишлари, пойтахт чорраҳаларида автоуловларни новий билан шугулланётган болаларни аниқлаб, чора кўриш ишлари амалга оширилмоқда, кўплаб профилактика тадбирлари, учрашувлар, суҳбатлар ташкил этилмоқда. Мудофаага қумаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти спорт-техника клубининг 50-60 нафар курсантлари тонги соатларда ИТХ ходимлари билан биргаликда шаҳар марказий кўчаларида пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш юмушларида фаол иштирок этмоқдалар.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни ўзимиздан бошлаш, болаларимиз билан хонадонларимизда, боғчаларда, мактабларда тушунириш ишларини олиб борсақина кўзлаган ниятга эришардик.

Дилшод ИСРОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: «Оқшом» газеталари ва шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан ўтказилган қўшма тадбирдан лавҳалар.

Сержей Любич олган суратлар.

Мирзаамир МИРЗАРАИПОВ тайёрлади.

# Бўжиб дунё

## Ўнг елкадаги фаришта

Қариларимиз одамнинг икки елкасида иккита фаришта ўтиради, дейишади. Бир яхши ниятларни, иккинчиси ёмон ниятларни ижобат қилиб туради, дейишади.

Ҳақиқатда фаришта эса иккала елкасидаги фаришта билан ҳам бемалол гаплаша олади. Фаришталар фақат тунда кўринишади. Йигитнинг ниятлари амалга оширишга ёрдам беришади. Чап елкасидаги яхши ниятларни амалга оширишга ёрдам беради. Унинг айтишича, фаришталар ҳар бир одамнинг елкасига кўниб туради. Барча ниятларига «омин» деб туришади.

Дастлаб Чапининг гапларига одамлар ишонмишди. Шунда йигит тез кунда оғир касал бўлишини, қурган чигиртка ёб оёққа туриб кетишини баёнот қилади. Кўп ўтмай у каттик касал бўлиб қолади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган қурган чигиртка билан ўзини даволаб, икки кунда тубтилади. Тунда Чапининг уйини пойлаган кўшчилари йигит ўнг елкасидаги фаришта билан гаплашганлигини кўришган. Ўнг елкадаги фаришта Чапинга елка орада яхшигина киз топилиши ва унинг исми Ому бўлишини айтган. Улар келгусида бахтли яшашни учун киз ҳам доимо тилаклар қилаётганини билдирган. Кўшчилар ўша кизни излаб топилган ва у киз ҳам тушида Чапин исми йигитни кўрганини ва келгусида унга тегиши мумкинлигини айтган. Чапининг чап елкасидаги фаришта тез орада уни тарқ эттишини билдирган. Чунки йигит қийин аҳолида қолган пайтда ҳам доимо яхши ниятлар қилган. Ёмон ниятларни ижобат қилувчи фаришта эса «ишсизликдан» 25 йил иккида чарчаган ва ўнг елкадаги фариштага бир мuddат ёрдам ҳам берган экан.

Одам ҳар қандай вазиятда ҳам яхши ният қилса, нияти вақти келиб ижобат бўларкан. Ёмон ният эса бироз вақтдаёқ амалга ошаркан. Доимо яхши ниятлар қилиб ашайлик.

## Йўл юрса ҳам...

Бир пайлар Қашмирда яшаган Мунир исми бир йигит ақоиб кўчга эга эди, дейишади. У ҳўзилар ўрнига ўзини аравага қўйишларини сўраб, бир кунда фил ҳам, от ҳам бажара олмайдиган ишни бажарар экан. У аравадаги юни Қашмирдан 100-150 километр атрофдаги жойларга тўхтамастан олиб бориб беракан. У бир югурганича шунча масофага тўхтамай боргани учун навбатдаги турадиганлар кўп бўлган. То йўлларда ҳам йигит тўхтамай кетаверган. Йўлда кетётган одамларда оқватланишни ҳам унутмаган. Яна у йўлда учраган қизларга гап отиб ҳам кўрарди.

Мунир оила қурган. Оиласини ҳам доимо йўлда олиб юрган. Турпта фарзандини ҳам хотини йўлда туққан. У катта пул топиб, бой-бадавлат яшаш мумкин эди. Аммо Мунир шу йўлни танлаган ва хотини, болалари билан бахтли яшаган.

## «Илон емасам...»

Ақобанинг хотини Ану танинг умри илонга боши қоронғи бўлиб ўтди. У 60 ёшга қирмон бўлса, шу ёшга етгунча мингта яқин илонни ошқозонига жойлади. Шунча илоннинг бошига етиб нечта туғди экан, дерсиз. Бор-йўги 19 нафар. Йигирманчигисига хомилдор. Яна илонга боши қоронғи.

Бечора Ақобанинг умри илон ушлаш, сотиб олиш, илон қидириш билан ўтди. Бирор кун уйда тинч ўтирганини билмайдди. Уйда ҳам илон шўрвадан бошқа овқат йўқ. Хотинига жин ҳам ургани йўқ. Олтими ёшга кирса ҳам йигирма яшар вонга ўқшади. Ақоба илон шўрва ичишдан олдин дарёга бориб ўзини совутиб келади. Бўлмаса иссиғи ошиб кечаси билан ухлолмай чиқяди. Хотини бўлса етмиш ёшда ҳам туғиб, болалар сонини 30 нафарга етказган, деб эрини тириш тушган пешонасини баттар тириштирди.

Мирзаамир МИРЗАРАИПОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги солиқ ва божхона органлари академияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ишлар бошқарувчиси В.С.Беганова қизи

Анжела Вильева ХУЖАБАНОВА  
бевақт вафот этганини муносабати билан чукор таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ишлар бошқарувчиси В.С.Беганова қизи

АНЖЕЛАНING  
бевақт вафот этганини муносабати билан чукор таъзия изҳор қилади.



Бош муҳаррир  
Акмаль АҚРОМОВ  
Манзилимиз:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39.  
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума  
кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 209  
Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.  
2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари  
бўйича турар жойлардаги почта  
бўлимларига ёки «Тошкент почтама»га  
— 133-74-05 телефонига мурожаат  
қилишингиз мумкин.  
Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида  
10-рақами билан рўйхатта олинган

Газета «Тошкент оқшомини»нинг  
компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.